

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 31 май  
сешанба  
№ 20 (1328)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

\*\*\*  
1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция қабул қилинган.

Ўзбекистон мазкур Конвенцияга Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги Қарорига мувофиқ қўшилган. Конвенция Ўзбекистон учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАРГА БЕРИЛГАН АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАР

- Боланинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли (Оила кодекси);
- Ота-она ва бола алоҳида яшаган тақдирда, 14 ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзиде ота ва онадан таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли (Оила кодекси);
- Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳақда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади ("Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун);
- Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради ("Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун);
- Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно ("Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун);
- Болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади ("Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори).



**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни!**

## 1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?



- Иш ҳақи оширилди
- Шифокорлар маошида ўзгариш
- Тест синови учун тўлов олинмайди
- Волонтерлар учун электрон платформа
- Доривор ўсимликларни қўллаш кенгаймоқда
- Электрон рақамли имзо шарт эмас!

2-БЕТ



Айтшинг, **ИНСОН**

қўлридан азиз нилма бор?!

4-БЕТ



ИЮНЬ

1

## 1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

## Иш ҳақи оширилди

“ИШ ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, 2022 йил 1 июндан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилади.

Ўзбекистон ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм, базавий ҳисоблаш миқдори эса, ойига 300 000 сўм этиб белгиланди.



## Шифокорлар маошида ўзгариш

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб қўшимча 15 фоизгача оширилади.

Шунингдек, юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга қўшимча 25 фоиз миқдорда устама тўлаш жорий этилади.



## Тест синови учун тўлов олинмайди

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ОТМга ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловлардан озод этилади.

Марказларда аҳоли ва тадбиркорларга электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи жойлар ташкил этилади.



## Волонтерлар учун электрон платформа

“Волонтерлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори билан давлат органлари вазибаларини волонтерлик орқали самарали амалга ошириш тартиби белгиланди.

Қарор билан Давлат органларининг вазибалари ва функцияларини волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисида намунавий низом тасдиқланди. Унга кўра, 2022 йил 1 июндан Ўзбекистон ёшлар портали негизида яратилган волонтерлар электрон платформаси ишга туширилади. Вояга етган, волонтер сифатида жалб этилаётган тегишли соҳа бўйича билим ва кўникмага эга шахслар давлат органлари фаолиятига волонтер сифатида жалб этилиши мумкин.

Таълим олувчилар таълимдан ташқари вақтларда волонтерлар гуруҳи таркибида волонтерлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Давлат органига жалб этилган волонтер ойига 20 соатдан кўпроқ волонтерлик билан банд бўлса, у билан волонтерлик шартномаси тузилиши шарт.



## Доривор ўсимликларни қўллаш кенгаймоқда

2022 йил 1 июндан бошлаб самараси исботланган доривор ўсимликлар босқичма-босқич тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига киритилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситаларининг тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартлари ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади.



## Электрон рақамли имзо шарт эмас!

Шу йил 1 июндан қуйидаги 38 турдаги давлат хизматларидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон рақамли имзосиз фойдаланишга рухсат берилди:



- фуқаронинг номида шахсий уй-жой борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома бериш;
- бино ва иншоотларнинг ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) тўғрисидаги келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- яқка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш;
- бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш;
- қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш (яқка тартибдаги уй-жой қуриш объекти учун);
- қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш (яқка тартибда уй-жой қуриш объекти бўлмаган объект учун);
- манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш;
- судланганлик ҳақида маълумотнома бериш;
- спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш;
- хорижий давлатда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун ариза юбориш;
- хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш);
- электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагичини) ечиш ва ўрнатишга ариза юбориш;
- совуқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагичини) ечиш ва ўрнатишга ариза юбориш;
- табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагичини) ечиш ва ўрнатишга ариза юбориш;
- иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагичини) ечиш ва ўрнатишга ариза юбориш;
- газ таъминоти лойиҳасини ҳудудий газ таъминоти корхонаси билан келишиш;
- табиий газни ҳисобга олиш ускунасини пломбалаш ва газ таъминоти шартномасини тузиш;
- электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;
- иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш ускунасини пломбалаш ва иссиқлик таъминоти шартномасини тузиш;
- истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланиш қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини ишга тушириш учун рухсатнома бериш;
- иссиқлик таъминоти лойиҳасини иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишиш;
- қуввати 20 кВтдан юқори бўлган электр энергияси истеъмолчилари учун электр таъминоти лойиҳасини келишиш;
- иссиқлик таъминоти тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;
- 1,2 МПа босимдан юқори бўлмаган газ тармоқларига уланишга техник шартларни олиш;
- сувни ҳисобга олиш приборини пломбалаш, сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномани тузиш;
- сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш лойиҳасини келишиш;
- сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;
- руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш;
- наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш;
- баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификати бериш;
- риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификати бериш;
- кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш;
- болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш;
- автомобиль йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесимчаларини, автомобиль йўллари ва кўчалар бўйида жойлашган АЁҚС, АГТКС ва АГҚС станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш;
- гидрогеологик хулоса олиш;
- ҳисобланган иш ҳақи суммалари тўғрисидаги маълумот;
- ҳарбий рўйхатга қўйиш ва ундан чиқариш.



## ИМТИЁЗГА ЭГА ҲАМШИРА...



**АДЛИЯ** вазирлигининг “Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳуқуқий акцияси доирасида Бухоро туманидаги “Работизшон” қишлоғида яшовчи Н.Кенжаеванинг ҳуқуқий тушунтириш беришни сўраб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида Н.Кенжаева туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада ҳамшира вазифасида ишлаб келаётганлиги, қарамоғидаги 2008 йилда туғилган қизи С.Юсупова иккинчи гуруҳ ногирони бўлса-да, унга меҳнат қонунчилигида назарда тутилган имтиёзлар берилмаганлиги аниқланди.

Жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг 2021 йил 1 июлдаги буйруғи билан Н.Кенжаевага 2021 йил 1 июлдан 2021 йил 28 июлга қадар 21 кунлик меҳнат таътили берилган, холос.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 232-моддасида қайд этилганидек, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кундан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши керак.

Шунингдек, худди шундай тоифадаги аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

Туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳамда келгусида бунга йўл қўймаслик, шунингдек, тизимда ишлаб келаётган ногирон боласи бор аёлларга меҳнат таътили берилишида қонунчиликда белгиланган имтиёзларни монеликсиз қўлланилишини таъминлаш юзасидан тақдимнома киритилди.

**Абдурахимхўжа БАФАЕВ,**  
Бухоро туман адлия бўлими бошлиғи

## БУЗИЛГАН САВДО ДЎКОНЛАРИНИНГ КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ УНДИРИЛДИ



**ЯНГИЙЎЛЛИК** тадбиркорлар — С.Таджибаев ҳамда “Жалолиддин фойз” хусусий корхонаси раҳбари К.Таджибаевлар Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, бузилган савдо дўконлари учун компенсация тўловларини ундиришда амалий ёрдам сўраган.

Маълум бўлишича, Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2018 йил 6 февралдаги қарорига асосан “Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ кенгайиши ҳисобига бозор ҳудудидаги С.Таджибаевга тегишли умумий ер майдони 20.14 кв.м ҳамда “Жалолиддин фойз” хусусий корхонасига тегишли умумий ер майдони 60.8 кв.м бўлган савдо дўконлари бузилган.

Зарар кўрган тадбиркорлик субъектлари шаҳар ҳокимлигига бузилган дўконлари учун компенсация пулини тўлаб беришни сўраб, бир неча бор мурожаат қилган. Бироқ ҳокимлик томонидан компенсация пуллари тўланмаган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг мурожаатлари тўлиқ ўрганилиб, Янгийўл шаҳар ҳокимлигидан С.Таджибаев манфаатида бузилган дўкони учун компенсация тўловини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судига ҳамда “Жалолиддин фойз” хусусий корхонаси раҳбари К.Таджибаевнинг манфаатида ҳокимликдан тавон пули ундириш юзасидан Зангиота туманлараро иқтисодий судига даъво аризалари киритилди.

2022 йилнинг 12 апрелида фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро суди томонидан вилоят адлия бошқармасининг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиниб, манфаатдор С.Таджибаев фойдасига 160 миллион 352 минг 769 сўм компенсация пули ундирилиши белгиланди. Шунингдек, 2022 йил 5 апрелда Зангиота туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан “Жалолиддин фойз” хусусий корхонаси раҳбари К.Таджибаев фойдасига 309 миллион 33 минг 681 сўм компенсация пули ундирилиши таъминланди.

**Жаҳонгир АЛИЕВ,**  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси  
масъул ходими

## ЎҚИТУВЧИГА ҚЎШИМЧА ҲАҚ УНДИРИЛДИ



**БУХОРО** шаҳридаги 23-сонли умумий ўрта таълим мактабида ишловчи фуқаро С.Ходжаева инглиз тили бўйича ТЕФЛ халқаро сертификатига эга бўлишига қарамай, унга қўшимча устама тўланмаган. Бундан норози бўлган фуқаро шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 7 сентябрдаги 3318-сонли қарори билан тасдиқланган “Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхати”нинг 10-бандига мувофиқ, ТЕФЛ сертификати халқаро тан олинган сертификат эканлиги тасдиқланган.

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақи тўлаб борилиши лозимлиги белгиланган. Демак, ушбу Қарорга мувофиқ инглиз тили ўқитувчиси С.Ходжаевага С1 даражага тенглаштирилган ТЕФЛ халқаро сертификати учун 50 фоизлик устама тўлаб берилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шаҳар халқ таълими бўлиmidан инглиз тили фани ўқитувчиси С.Ходжаеванинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига суд буйруғи олиш юзасидан ариза киритилиши натижасида 50 фоиз устама тўланиши таъминланди.

**Маҳбуба МАҲКАМОВА,**  
Бухоро шаҳар адлия бўлими масъул ходими

## САМАРҚАНД

# 12 йиллик армони ушалган қиз



**ОҚДАРЁЛИК** 12 ёшли А.Ҳомидова бугунгача ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, мактаб остонасига ҳам қадам қўймаган. Чунки шу пайтга қадар унинг туғилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжати бўлмаган. Агар у вақтида туғилганлик гувоҳномасини олганида эди, ҳозир тенгқурлари қатори 5-синфни тугатган бўларди.

Адлия органларининг жойларда аҳоли билан ўтказаетган оммавий қабуллари, сайёр хизматлари Анорага ўхшаган фуқароларнинг муаммосига ижобий ечим топишга кўмаклашаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Гап шундаки, Оқдарё туманининг “Фармонобод” қишлоғида бўлиб ўтган ана шундай сайёр қабул давомида А.Ҳомидова туғилганлик гувоҳномаси йўқлиги ва уни олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Унинг мурожаати асосида туман адлия бўлими ва туман ҳокимлиги қошидаги Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Маълум бўлишича, Аноранинг отаси вафот этгач, онаси бошқа турмуш қуриб кетган ва Анора олти ойлигидан бобоси кўлида тарбияланиб келган. Шу-шу турли сабаблар оқибатида унинг туғилганлигини расмийлаштириш эътибордан четда қолган. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Оқдарё туман ФХДЁ бўлими томонидан зарур ҳужжатлар тўпланиб, унинг гувоҳномаси расмийлаштирилиб, сайёр тарзда топширилди.

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар бўлими**

## ЖИЗЗАХ



## ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам МЧЖ томонидан келишилган ишлар бажарилганлиги, ҳокимлик эса пулни тўлашни пайсалга солиб келаётганлиги аён бўлди.

Шундан сўнг туман адлия бўлими томонидан тадбиркор манфаатида Дўстлик туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилиб, туман ҳокимлигидан тадбиркор фойдасига шартнома шартларидан келиб чиқиб бажарилган ишлар учун 79 миллион 264 минг 789 сўм иш ҳақи ундириб бериш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

**Азиз АМИНОВ,**  
Мирзачўл туман адлия бўлими бошлиғи

**“ЭСАНОВ ҲАЙИТБОЙ”** масъулияти чекланган жамияти томонидан Мирзачўл туман ҳокимлиги билан тузилган шартномага асосан паннолар ўрнатиб берилган. Аммо тадбиркор 3 йилдирки бажарган иши учун пулни ололмади сарсон бўлиб, туман ҳокимлиги масъул ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.



**ҚИЗИЛ ВА ҚОРА...** Қора асфальтга тўкилган қон... Сонияларда содир бўлган фожиалар изи, даҳшатларнинг ранги бу! Машҳур француз ёзувчиси Стендалнинг “Қизил ва қора” романи ҳаёлингиздан ўтдими? Йўқ, бу мақоланинг Стендаль асарига мулақо алоқаси йўқ. Бу мақола ўзимизнинг аччиқ оғриқлар, инсон умрига зомин бўлаётган ҳодисалар, фожиалар ҳақида. Ҳаётнинг шамлари бир нохуш шамол туфайли ўчиши мумкин. Ёки бир оғир шарпа, бир қаттиқ зарба туфайли яқун топиши мумкин. Улим қошукўз орасида деб бежизга айтишмайди. Сир эмас, энг катта бахтсизлик ва энг катта фожиалар автохалокат ортидан содир бўлаётир. Автохалокат сўзини эшитиб оқ этингиз жунжикади, юрагингиз орқага тортиб кетади...

# Айтмиш, ИНСОН

## умридан азиз нима бор?!

Кимнингдир айби, кимнингдир масъулиятсизлиги, уқувсизлиги сабабли бутун умр ногирон, қўлсиз, оёқсиз бўлиб қолиш нимагини тасаввур қилайсизми? Булар ҳақида гапириш кийин, ҳис қилиш эса ундан ҳам даҳшат!

### Нега ота жазоланмайди?

Ижтимоий тармоқларни ларзага солган Косонсойдаги фожа замирида қатъиятсиз қонунларимиз, бир тирноққа товон бўлишга арзимайдиган енгил жазоларимиз, ухлаб ётган виждонимиз борлигини тан олиш керак.

Йўл четидан тўғри кетаётган мактаб ўқувчисини автомобилда босиб кетиб, ўз тенгдошининг умрига зомин бўлган ўн тўрт ёшли айбдорнинг ўзини оқлаш учун айтган гаплари, тўқиган ёлғон баҳоналари одамни баттар ғазаблантиради. Вояга етмаган ўғлининг қилмишидан пушаймон ва афсусланиш, бир оилага етказган оғир мусибати учун кечирим сўраш, виждони кийналиш ўрнига “болангизга қаранг, болангизни нима ишлар қилиб юрганидан бохабар бўлинг, мен ҳам бир неча йил аввал авария бўлгандим”, деб бошқаларга ақл ўргатаётган, насихат қилишдан уялмаётган масъулиятсиз отанинг сафсатаасидан эса қўлларингиз беихтиёр муштга айланади...



Машина уриб кетган бегуноҳ боланинг ширин жони куйиб кетди. Фарзанд доғини кўтара олмай фарёд чекаётган ота-онага тасалли берадиган сўз йўқ!

Гарчи, ҳодиса юзасидан Жиноят кодексининг 266-моддаси иккинчи қисми (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қондаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлиши) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса-да, унинг яқуни кишини сергак тортириши аниқ.

Сабаби, Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, кодекснинг 266-моддаси билан айбланиш учун шахс 16 ёшга тўлган бўлиши шарт.

Қонунларимизни ўзгартиришга, инсон ҳаётини асрашга, наҳотки, қурбимиз етмайди?

Мана бу саволлар эса бўғимизни куйдиргани-куйдирган!

— Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ боласига машина рулини бошқаришга рухсат бергани учун фалокат содир бў-

лишига сабабчи бўлаётган оталар нега жазосиз қолмоқда?

— Йўл ҳаракати қондаларини билмасликдан, менсимасликдан содир бўлаётган жиноятлар қамаймаётганлигига нега панжа ортидан қарашлар давом этмоқда?

— Автохалокат туфайли одам ўлса ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар деган нормалар билан қачонгача яшаймиз?

— Автохалокат санкциясини қайта кўриб чиқиш учун яна қанча қурбонлар керак?

— Қишлоқларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳақидаги қондаларга қачон риоя қилинади?

### Қишлоқларда “ГАИ” йўқ...

Қишлоқларда светофор йўқ, радар йўқ, кўчаларни ёритадиган тунги чироқлар йўқ. Аммо қондани бузадиган одамлар бор. Қоидабузарларни тартибга соладиган “ГАИ”лар йўқлиги учун тўй, тантаналарда тўйиб ароқ ичадиган оталар машина рулига зўрға бўйи етадиган болаларининг елкасига аранг осилиб, машинага етиб олгач, “ҳайда!” деб рулни “права”сиз вояга етмаган ўсмир ўғлига топшириши модага айланган. Фалокат оёқ остида дейишади. Ногаҳонда бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда бошини ушлаб қолишади. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ. Бировга жабр қилса, “ёпди-ёпди” қилишлар, автохалокат туфайли ўлган одамнинг яқинларига ё пул бериб ёки олиб бериб жазодан қутулиб қолишлар, ўз танасига — ўз “шохи”га зарар етганида эса... пешонасини муштлашлар ҳам таниш ҳолат.

### Ҳайдовчилик одоби қани?

Автомобиль ҳайдовчиларида нафақат маданият балки масъулият ҳам етарлича эмаслиги жуда кўплаб йўл-транспорт ҳаракатларидаги кўнгилсизликлар, фожиаларга сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 26 январидан ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида корона-вирусу қараганда йўллардаги авариялар оқибатида одамлар кўпроқ вафот этаётганини таъкидлаган эди. “Нимага куйиб-пишмаймиз? Нимага ўлим қўпаяпти?” Президент ҳайдовчиларни ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича топшириқ берди. “Дарсга бормасдан гувоҳномани олапти. Нима, Ўзбекистонда қонун йўқми?”

Бу ҳақи саволлар эса жавоб кутади!

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2022 йил 4 апрелда Президентимизнинг “Автомобиль йўлларида инсон хавф-

сизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин қамайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 декабридан ҳайдовчилар қоидабузарлиги учун муҳим синов — жарима балларни ҳисоблаш бошланади. Унга кўра, ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади. Бир йилда қоидабузарликлари 12 балдан ошган ҳайдовчи маълум муддатга автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бу Қарорни ҳам айрим мутасаддилар ўзларига мослаштириб олмайди, ёки қоғозда қолиб кетмайди, деган катта умидимиз бор. Умидларимиз чиппақка чиқмасин!

### Ҳалокатга етакловчи эгри йўллар...

Юртимизда коррупция аралашмаган бирор соҳани топиш қийин. Мазкур соҳа ҳам бундан холи эмас. Жуда кўплаб кўнгилсизликларнинг келиб чиқиши ҳайдовчилик гувоҳномасининг турли эгри йўллари билан олинаётганлигида, албатта.

Статистик маълумотларда келтирилган мана бу рақамга эътибор беринг:

■ ҲАР ЙИЛИ 500 МИНГ КИШИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ОЛАДИ, ЛЕКИН 25 ФОИЗИ МАШГУЛОТЛАРГА ҚАТНАШАЙДИ.

### Бу йўллар ўзимизники...

Яна бир ғалати “тренд”имиз борлигини ҳам жуда яхши биласиз. Ички ишлар идораларининг айрим ходимлари ва баъзи бир юқори тоифадаги амалдорлар ва уларнинг яқинлари учун алоҳида “қонун-қоида”ларимиз бормикан, деган киноя ўтади кўнглимиздан. Масалан, шу тоифадаги айрим кимсалар спиртли ичимлик истеъмол қилиб ҳам йўлларда бемалол автоуловларини бошқаришлари мумкин. Чунки улар ўзларини йўлларнинг “қироли”, экспертиза ходимларини эса “ўзимизники”лар... деб ўйлашади. Хуллас, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, “кўлга” тушганлар рўйхатида бу ҳолатни назорат қилувчиларнинг ўзларини асло кўрмайсиз!

Юқоридаги барча ҳолатлардан хулоса шуки, автохалокат содир этганлар учун жазо чораларини қайта кўриб чиқиш керак. Шундай жазо бўлсинки, токи бошқаларни ҳушёр тортирсин, қолганларга инсон умридан азизроқ нарса йўқлигини эслатиб қўйсин, йўл қондаларини, ҳаёт қондаларини, умр қондаларини менсимайдиганларга сабоқ бўлсин! Зеро, инсон ҳаётини асрашдан муҳимроқ қарор йўқ!

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қону” мухбири

## Ҳайдовчи ҳуқуқлари нималардан иборат?

Йўл патруль хизмати ходими сизни тўхтатганда, “Сиз” деб мурожаат қилишга қонуан мажбур. Йўл ҳаракати қатнашчилари, асосан ҳайдовчилар йўл патруль хизмати ходимлари билан ўзаро муносабатда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ ЙПХ ходими томонидан тўхтатиш асосларини, қондаларнинг қайси бандини бузганлиги тўғрисида тушунтириш беришини талаб қилиш;
- ✓ транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходимдан ўзини таништиришини, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишини талаб қилиш;
- ✓ хизматни мобил видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик;
- ✓ ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага қайд қилиш (ЙПХ ходими томонидан фото ва видео тасвирга олиш тақиқланган белги мавжуд ҳудудларда хизмат олиб бориш ҳолатлари бундан мустасно);
- ✓ айрим ҳоллардан ташқари транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиш;
- ✓ содир этган қоидабузарлиги қайд этилган маҳсус мослама натижалари билан танишиш;
- ✓ ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган маҳсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилиш;
- ✓ ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтириш бериш;
- ✓ асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш;
- ✓ ЙПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириш жараёнида иштирок этиш;
- ✓ ўзи тўхтатилган ҳудудда ЙПХ ходими хизмат олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги дислокация кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиш ёки маҳсус тадбирлар ўтказилаётганлиги ҳақида марказий ахборот-диспетчерлик хизмати — ахборот-диспетчерлик хизматидан маълумот олиш;
- ✓ ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг ЙПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган саф бўлими бошлиғидан дислокация ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилиш;
- ✓ ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш;
- ✓ ЙПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор устидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш;
- ✓ ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида ЙПХ ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиш.

Ўз ҳуқуқларингизни билиб олинг ва келажакда ундан албатта фойдаланишга ҳаракат қилинг. Сизга нисбатан чиқарилган қарор устидан ҳар доим судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигингизни ҳам унутманг!

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,  
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
масъул ходими





**Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан мамлакатимизда ҳам қўчма светофорлар синовдан ўтказилди. Улар нимага керак? Нима вазифи бажаради ўзи? Бундай светофорлар, одатда, тирбанд йўл кечишмаларига ўрнатилади ва маълум бир муддат — йўловчилар гавжум маҳалда ишлайди.**

# ЯШИЛ ЧИРОҚ

**Катта маблаг кетмайдиган ечим!**

Дунё тажрибасида қўчма светофорлардан кенг фойдаланилаётганига гувоҳимиз. Бизда нега бундай светофорлар кенг қўлланилмаяпти? Йўллардаги тартибсиз ҳолатларга, автохалокатларга кўп гувоҳ бўлган ўзимизнинг Фарғона политехника институтидаги ёш, иктидорли талабалар ақли светофор кашф қилганига ҳам оз эмас, роппа-роса икки йил бўлди. Қувонарлиси, улар йўлаб топган янги функцияли светофорлар куёш панеллари ёрдамида ўзини ўзи бемалол таъминлай олади. Мобил светофорнинг асосий ток манбаи сифатида 50 Вт.ли куёш панели олинган бўлиб, у светофорнинг кеча-ю кундуз узлуксиз ишлашини таъминлайди. Светофордан ихтиёрий пиёдалар ўтиш жойларида фойдаланиш, уни исталган жойга ўрнатиш имконияти мавжуд. Наҳотки, шу ғояни қўллаб-қувватлаб бўлмайди? Ахир, йўлларга шундай светофорлар ўрнатилса, катта маблаг тежаланиб қу! Масалан, пойтахтимизнинг “Қўйлик” бозори атрофидаги светофорсиз пиёдалар ўтиш йўлакларидан уни қўллаш мумкин. Шу билан, катта йўлдаги тартибсизликларнинг олди олинган эди.

Статистик маълумотларга кўра, хорижда ишлаб чиқарилаётган светофорларнинг нархи мамлакатимизга олиб келиш харажатлари билан ўртача 1000 АҚШ долларига таъри келар экан. Ҳозирги кунда автомобиллар сони кўпайиб, йўлларда тирбандликлар ортган бир маҳалда республикамизда светофорларга талаб жуда юқори.

Фақат умумтаълим мактабларининг ўзи учун 10 мингдан ортиқ светофорга эҳтиёж бор. Талабалар кашф қилган импорт ўрнини босувчи мобил, фотоэлектрик, автоном светофорнинг тайёрлини таннархи эса хорижда ишлаб чиқарилган светофор нархига нисбатан 55 фоиз арзонга тушаркан. Маҳсулот ўзимизда тайёрланса, божхона харажатлари ҳам бўлмаслиги аниқ! Энг муҳими, қўчма светофор куёшсиз ҳолатда ҳам аккумуляторлар орқали 14 соатгача ишлаши мумкин экан. Уни конструкциялашда асосий эътибор энергияни тежашга қаратилган. Автоном ишловчи, мобил, яъни бир жойдан бошқа жойга кўшимча харажатсиз кўчириш имкониятини берувчи бундай қўчма қурилмалар айнан амалиётда қўллашга мос ҳам арзон, ҳам қулай воситадир.

Транспорт ҳаракатини вақтинчалик тартибга солишга мўлжалланган бундай светофор қизил ва яшил ёнувчи икки секциядан иборат 8 та ёритиш чирокларидан иборат қилиб ишланган. Ҳаракатланувчи аравага ўрнатилган мобил светофордан йўлларда таъмирлаш ишларини бажариш пайтида, махсус тадбирлар ўтказиш, пиёдалар ўтиш хавфсизлигини таъминлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Бекатлардаги тартибсизликларга ҳам ўзимиз айбдоримиз! Ҳа, ўзи-

миз! Айниқса, метрополитенларнинг охириги бекатлари билан бир жойдаги автобус бекатларида бу ҳолат кўп кузатилади. Шу жойга келганда нимадир демоқчимисиз, йўллар тор, кенг эмас, деясиз-да, а, нима дейсиз?! Гап йўлларнинг тор ёки кенглигида эмас, бу жойда жамоат транспорти бекатлари нотўғри жойлаштирилганида! Агар шунанга манзилларда автобус бекатлари айнан метрополитен бекати яқинида эмас, сал нарироқда жойлаштирилса, бўлди. Менимча, бу катта маблаг талаб қилмайдиган оддийгина ечим, ҳолос!

Ер ости йўли ернинг остида қолиб, ернинг устидан катта йўлни кесиб ўтишга уринишлар — жуда кўп учрайдиган ҳолат. Бундан қутулишнинг ҳам оддийгина чораси бор! Қарама-қарши йўллар



оралигига йўл тўсиқлари ўрнатилади — масала ҳал! Йўловчи ўз-ўзидан ер ости йўлидан ўтишга мажбур бўлади.

## Йўл қондаси — умр фойдаси

Шу кунларда, яъни 15 майдан 15 июнга қадар Адлия вазирлиги ташаббуси билан “Қондаларга йўл ҳам бўйсунди” шиори остида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур ойлик доирасида йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиши кўзда тутилган. Совринли викториналар, ижтимоий видеороликлар танлови, мактаб ўқувчилари ва турли ёшдаги аҳоли ўртасида тушунтиришлар олиб борилмоқда, бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан барча йўл ҳаракати катнашчиларининг белгиланган йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари ва қондаларига риоя қилишлари учун уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсад қилинган.

“Йўл қондаси — умр фойдаси” дейдилар. Уйдан ўқиш ёки иш жойингизга яхши етиб келдингизми, ўқиш ёки иш жойингиздан уйга хотиржам етиб келолдингизми?! Ҳа, барака топинг! Бугун катта иш қилибсиз! Катта иш

бўлибди! Ҳозирги замонда уйга хотиржам етиб келиш ҳам бахт бўлиб қолди.

Нега энди, дейсизми? ОАВ бонг уриб, шумхабарларни айтиб зерикмаяпти, йўлларимиз нотинч! Нотинчлиги шундаки, бу йўлларда ҳеч ким ўзига жавоб бера олмайди. Ўзига ишонган, масъулиятли, тажрибали ҳайдовчилар ҳам йўлда хотиржам юролмаёпти бугун. Айниқса, пойтахтимиз кўчаларида шундай аҳвол.

Статистик рақамларни келтирмасам ҳам, яхши биласиз. Йўллардаги бахтсиз ҳодисалар, автохалокатлар, тўқнашувлар оқибатида қанчадан-қанча йўқотишлар бўлаяпти. Шу йўқотишлар ҳам бизни хушёр торттира олмайганига ҳайронман! Токи, бошимизга тушмагунча, кўзимиз очилмайдими?!

Маيلي, яхши ният қилайлик. Ҳар биримиз учун йўлларда яшил чирок ҳамиша ёниб турсин, йўлларимиз беҳатар бўлсин! Лекин ҳозирги тезкор замонда, шу тезкорлик одамларнинг кайфиятига ҳам қўчган дунёда бу осонлик билан эришиладиган нарса эмас! Ўзимиз қонда билган қондабузар эканмиз, айбни бошқалардан изламайлик. Юқорида мисол келтирганимиз — ҳаётимизда кўп учраётган қондабузарликларга ким барҳам беради деб ўйлайсиз? Сизми, бизми, қонун ҳимоячиларими?! Бу яхшилаб ўйлаб кўриладиган, ечимини қутаётган масала!

Гулбахор ОРТИҚХЎЖАЕВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАР СУД АВТОТЕХНИКА ЭКСПЕРТИЗАСИ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

**Йўл-ТРАНСПОРТ ҳодисаси қутилмаганда, тўсатдан юз беради. Бу борадаги жиноятларни тергов қилишда транспорт муҳандислик, йўл қурилиши ва фойдаланиши, йўл ҳаракатини бошқариш ҳамда хавфсизлиги, тиббиёт ва йўл ҳаракати психологияси соҳасидаги мутахассисларнинг ёрдами талаб қилинади. Бир сўз билан айтганда, бу соҳа — суд автотехника экспертизаси деб аталади.**

Аввало, шунинг қайд этиш лозимки, йўл-транспорт ҳодисалари асосан пиёдаларни уриб кетиш, транспорт воситаларининг тўқнашуви, транспорт воситаларининг ағдарилиши, кўзгалмас тўсиқлар билан тўқнашув, номеханик транспорт воситаларини уриб кетиш ҳамда транспорт воситаларидан йўловчиларнинг йиқилиши ёки тушиб қолиши каби турларга бўлинади.

Албатта, ҳозирги кунда, ҳар қандай жиноятнинг тез ва самарали фош этилиши воқеа жойини кўздан кечириш, воқеа механизмини аниқлаш, ашёвий далилларни аниқлаш ва сақлаб қолиш, шу билан бирга, юқори сифатли суратга олиш каби бирламчи тергов ҳаракатларининг сифатига боғлиқ. Бундай ҳолда, экспертнинг ҳар кун ишлатадиган асосий воситаларидан бири замонавий рақамли фотокамера бўлиб, у ҳатто ностандарт шароитларда ҳам юқори сифатли тасвирни олиш ва воқеа

жойидаги ҳолатни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Айрим ҳолларда бундай ҳодисадан кейин ҳайдовчилар алмашиб қолиши, ҳайдовчи ўриндиғида қайси шахс бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда, албатта, воқеа жойига келган тергов ёки экспертлар гуруҳи биологик изларни махсус фотоаппаратлардан фойдаланган ҳолда аниқлаш қулайлигини инобатга олган ҳолда, келгусида воқеа жойига чиқувчи барча гуруҳлар инфракизил лампани фотокамералардан кенг фойдаланишини йўлга қўйиш лозим.

Бундан ташқари, воқеа жойига чиқувчи эксперт ва тергов гуруҳларини замонавий 3D-сканерлар билан таъминлаш керак. Айни пайтда ривожланган давлатларда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида автотранспорт воситаларида ҳосил бўлган шикастланишлар ва уларнинг йўлдаги

жойлашуларини ўзгаришсиз сақлаб қолиш учун лазерли сканерлаш усули кенг қўлланиб келинмоқда. Бу ўз навбатида ўлчамларни ва масофаларни аниқлашда хатолликни камайтириш ҳамда воқеа жойини кўздан кечириш вақтини қисқартириш имконини беради.

2020-2021 йиллар давомида суд-автотехника экспертлари томонидан видеотасвирлар воситасида 300 тадан ортиқ экспертиза амалга оширилди. Афсуски, бундай экспертизалар сони кўпайиб бормоқда.

Автомобилда йўл-транспорт ҳодисасидан олдин носозликлар мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқловчи замонавий қурилма “Launch X431 PAD V” сканеридир. У 100 тадан ортиқ автомобилларнинг электрон тизимдаги маълумотларини олиш имконини беради. Бу орқали экспертлар нафақат автомобилда ҳодисадан олдин носозликлар мавжуд бўлган-бўлмаганлигини, балки ушбу носозликлар йўл-транспорт ҳодисасига таъсир қилганлиги тўғрисидаги фактларни аниқлаши ҳам мумкин.

Келгусида суд-автотехника экспертлари учун махсус қўчма лаборатория харид қилиш, мазкур лабораторияни воқеа жойида ишлаши ҳамда транспорт воситаларини си-

фатли кўздан кечириш учун мўлжалланган замонавий махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Кўчаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш қўллаб омишларга, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси, ҳуқуқбузарликларни фош этишнинг тўғри таҳлили ва далиллар базаси сифатига боғлиқ. Далиллар базаси эса, ўз навбатида, йўл-транспорт ҳодисасини тўғри таҳлил қилиш натижасида шаклланади. Эксперт ва терговчиларни энг замонавий жиҳозлар билан таъминлаш терговнинг ҳар жиҳатдан ҳолисона ўтказилишини таъминлайди. Терговнинг ҳар бир иштирокчиси (эксперт бўладими, терговчи бўладими) йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги янгиликларни тез ва мукамал ўрганиши ҳамда бу жараён амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

Муроджон МАҲКАМОВ,  
Ҳадича Сулаймонова номидаги  
Республика суд экспертизаси маркази  
Суд-экспертлик илмий-тадқиқот  
институтини масъул ходими



**■ ФАРҒОНА** вилоят маъмурий судига фуқаро С.Ақбаровадан апелляция шикоят келиб тушди. Мазкур шикоят Фарғона туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб ёзилган.

## СУД ҚАРОРИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ. НЕГА?

Апелляция суди мажлисида аён бўлишича, С.Ақбарова Фарғона туманлараро маъмурий судига ариза билан мурожаат этиб, Фарғона туман ҳокимининг 2005 йил 17 октябрдаги 563-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Туман ҳокимининг ушбу қарори билан Фарғона тумани, “Водил” ҚФЙ, Марғилон кўчаси, 420-уйни фуқаро Б.Низомовнинг шахсий мулки эканлигини тасдиқлаш ва рўйхатга олиш белгиланган. Аммо аризада тилга олинган ховли жойнинг ўзига тегишли эканлигини ваҳ қилиб, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан судга мурожаат этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2005 йил 22 ноябрда Б.Нишонов ўзига тегишли бўлган, туман ҳокимининг юқоридаги қароридан кайд этилган ховли-жойнинг ярмини набираси И.Бозоровга ҳада қилган. Айни ҳада шартномаси Фарғона туман давлат нотариал идораси томонидан реестрга 2369-рақам билан кайд этилган. Бинобарин, С.Ақбарова 2019 йилда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ана шу ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суднинг 2019 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори билан унинг даъво аризаси қаноатлантирилиши рад этилган. Негаки, мазкур ҳада шартномаси тузилиши оқибатида С.Ақбарованинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаган. Бироқ орадан салкам 3 йил ўтгандан кейин аёл айнан шу низо бўйича Фарғона туманлараро маъмурий судига мурожаат этипти.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 9-бандига мувофиқ эса юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича тарафлар низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қилишлари шарт. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Лекин низоли ер майдони бирор-бир ҳужжат асосида С.Ақбаровага ажратилмаган, ер майдони ва биноларга бўлган ҳуқуқ унинг номига давлат рўйхатига олинмаган. Шу боис, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантиришни рад қилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 186-моддасига биноан, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин. Ваҳоланки, С.Ақбарова туман ҳокимининг қароридан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2019 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори орқали хабардор бўлган ва судга мурожаат қилиш учун белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларсиз ўтказиб юборган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилоят маъмурий суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдирди.

**Нодиржон ХАДЖИМАТОВ,**  
Фарғона вилоят маъмурий суди судьяси

Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда контрафакт маҳсулотларга қарши самарали курашиш мақсадида 2022 йил 26 апрелда Президентимизнинг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллаши ва ривожланган давлатлар даражасига эришиши йўлида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қарорга асосан Давлат божхона қўмитаси Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товар белгилари бўйича қонунчилик талаблари бузилиши ҳақида хабар бериши белгиланди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги маҳсулотларни сертификатлаштириш, мувофиқлик сертификатлари ва белгиларини бериш жараёнида, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги эса дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш ва соҳадаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини назорат қилиши белгилаб қўйилди.

**■ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ** мулк жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантирувчи асосий драйверидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўлида сезиларли ўзгаришлар қилинмоқда. Соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида чора кўриш, муаллифларнинг ва бошқа ижодкорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, хорижий компанияларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб “Ягона дарча” божхона тизими орқали интеллектуал мулк объектларини реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни электрон юбориш ва ариза ҳолатини онлайн кузатиб бориш, натижаси бўйича аризаларни хабардор қилиш тартиби йўлга қўйилган бўлди.

Соҳадаги яна бир муҳим ўзгариш — 2023 йил 1 январгача интеллектуал мулк объектларининг аукцион савдосини ўтказадиган “Интеллектуал мулк — барча учун” махсус интернет-аукцион савдо платформаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, жорий йил 1 октябрда Интернетда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузилишлар реестри” ахборот тизими ишга туширилади.

Энг муҳими, мазкур Қарор билан 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини



ривожлантириш стратегияси ҳам тасдиқланди.

Эндиликда интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини замон талабларига мослаштириш, интеллектуал мулк объектлари қўлланган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда ўз номига (брендига) эга бўлган рақобатбардош маҳсулот турларини кенгайтириш каби муҳим тадбирлар амалга

оширилади.

Мамлакатимизда интеллектуал мулкни жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантирувчи асосий драйверга айлантириш орқали Ўзбекистонни илмий-техникавий ва ихтирочилик жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига киритиш энг муҳим вазирамиздир.

**Абдувақил СОДИҚОВ,**  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**■ МАЪНАВИЙ** зарарни қоплаш деликт тарзига эга бўлган жавобгарликдир. У мажбурият сифатида Фуқаролик кодексининг 57-боби, 1021, 1022-моддаларида назарда тутилган. Мазкур кодекснинг 11-моддасида маънавий зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида иборат эканлиги белгиланган. Кодекснинг 100-моддасида эса, қандай ҳолларда маънавий зарарни қоплаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, маънавий зарарни қоплаш фуқаронинг шахсий номоддий ҳуқуқларига етказилган зарар учун қўлланилади. Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги талаб фақат муайян фуқароларга нисбатан қўйилиши мумкин. Чунки юридик шахслар жисмоний ва маънавий азобларни ҳис қила олмайди.

## Маънавий зарар нима?

Асосий қондага биноан маънавий зарар учун жавобгарлик айбли бўлиш тамойилига асосланади. Зарар етказишда айбланувчи шахс бундай зарарни етказишда ўзининг айби йўқлигини исботлаши керак. Агар исботлай олмаса, айбдор деб ҳисобланади ва маънавий зарарни қоплашга мажбур бўлади. Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланиши мумкинлиги Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилади. Бундай жавобгарлик қуйидаги ҳолларда қўлланиши мумкин. Яъни, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига очиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса.

Шунингдек, зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга

ҳилоф тарзда қўлланиши, маъмурий жазо қўлланиши ва қонунга ҳилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса. Ёки зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда жавобгарлик юзага келади.

Мазкур моддада зарар етказувчининг айбидан қатъи назар маънавий зарарни қоплаш мажбурияти қандай ҳолларда вужудга келиши мумкинлиги батафсил кўрсатилган. Маънавий зарарни қоплаш “қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда” ҳам юз бериши мумкинлиги таъкидланган.

Ушбу бошқа ҳолларни қандай тушуниш мумкин? Буни маънавий зарар фуқаронинг нафақат шахсига, шунингдек, унинг мулккий ҳуқуқига путур етказилиши натижасида ҳам вужудга келиши деб тушуниш ўринли.

Масалан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмига биноан маънавий зарар мулккий ҳуқуқ бузилганда ҳам қопланиши мумкинлиги назарда тутилган.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатилганда, бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зарар компенсация қилинишини талаб этишга ҳақли.

Меҳнат кодексининг 112-моддасига кўра, ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш: мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда); меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация, маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Маънавий зарарни ундириш (қоплаш)нинг миқдори қонунчиликда белгиланмаган. Фақатгина Меҳнат кодексига маънавий зарарни ундиришнинг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдори ходимнинг ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги назарда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб тоvon тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

**Аброрбек ИКРАМОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР. УЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ?



**ДАВЛАТЛАР ўртасида халқаро ҳуқуқ ва ҳамкорликнинг мавжудлиги Pacta sunt servanda (лотинча сўз бўлиб, “шартномалар бажарилиши керак” деган маънони билдиради)нинг асосий тамойили билан таъминланади. Pacta sunt servanda тамойили БМТ Низомида мустақамланган.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатларнинг сиёсати, амалий фаолияти ва хатти-ҳаракатлари ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга мос келиши керак. Давлатларнинг халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ички чоралар кўриш мажбурияти халқаро ҳужжатларда мустақамланган. Давлат халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ўз ҳуқуқий тизимини шундай қуриши лозим. Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг аксарияти миллий ташкилий-ҳуқуқий механизм орқали амалга оширилади.

Миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқни амалга оширишда унинг ўсиб бораётган ролига аста-секин мослашиб бормоқда. Давлатнинг ҳуқуқий тизими қанчалик ривожланган бўлса, унинг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро алоқасининг оптимал тартибига шунчалик яқин бўлади. Халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсир характери миллий ҳуқуқнинг ривожланиши даражаси мезонларидан биридир. Шунга кўра, давлат ўз халқаро мажбуриятларини бажармаган тақдирда жавобгар бўлади.

Ички ва халқаро нормалар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг олдини олиш учун давлатлар шартномалар тузишда амалдаги қонунчиликни ҳисобга олишлари керак. Чунки халқаро шартнома нормалари ва ички ҳуқуқ нормалари ўртасидаги зиддият юзага келганда, халқаро шартнома билан белгиланган қоидалар қўлланилади. Ёки давлат Конституциясида

халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномалар фақат ҳар бир алоҳида ҳолатда маҳсус ички ҳуқуқий АКТ туфайли кучга кириши таъминланади.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажаришнинг асосий тамойили давлатнинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий мажбуриятини шакллантиради. Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш тартиби халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари ҳамда ички қонунчиликда мустақамланган нормалар билан биргаликда тартибга солинади.

Қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш тартиби халқаро ва ички ҳуқуқ нормаларини мувофиқлаштириш механизмининг ўз ичига олади. Халқаро ҳуқуқ давлатлар ҳуқуқий тизимларининг фаолиятига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади ва ҳатто энг консервативлари ҳам ушбу тенденцияга мос равишда ривожланмоқда. Конституциялар сонининг ортиб бориши унинг ижросини таъминлаш учун мўлжалланган халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, оммавий халқаро ҳуқуқ соҳасидаги кўпчилик шартномалар миллий ҳуқуқий соҳада бевосита қўллаш учун мос эмас. Ички соҳада бевосита амал қилиш фақат халқаро ҳуқуқнинг ўз-ўзини ижро этувчи нормаларига тегишлидир. Халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётидаги энг катта қийинчиликлар умум эътироф этилган тамойил ҳамда нормаларни қўллашда юзага

келади. Бу қийинчиликлар эса халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган тамойиллар ва нормалар рўйхатини ўз ичига оладиган ёгона норматив ҳужжат йўқлиги билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқ нормалари миллий нормаларнинг бутун мажмуига, шу жумладан, процессуал механизмларга ҳам таъсир кўрсатади.

Одил судловни амалга оширишда судлар халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини суд томонидан нотўғри қўллаш суд актини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши мумкинлигини ёдда тутишлари лозим. Вена Конвенциясининг 31-моддаси учинчи қисмига кўра, халқаро шартномани шарҳлашда, унинг мазмуни билан бирга, шартномани қўллашнинг кейинги амалиёти ҳам ҳисобга олиниши лозим, бу эса томонларнинг уни шарҳлашга доир келишувини белгилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, судлар ишларни кўриб чиқишда муайян битимга нисбатан қўлланиладиган халқаро божларни ҳисобга оладилар. Божларнинг энг кўп қўлланилиши ҳўжалик судлари амалиётида учраб туради.

Судлар томонидан умумжаҳон ҳуқуқматлараро ташкилотлар конвенцияларида кодификацияланган халқаро ҳуқуқий қоидаларга амал қилинади. Одатда, давлат судининг қарори одатий норманинг тан олинганидан далолат беради.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида халқаро шартномалар ўзининг халқаро-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмайди. Бинобарин, халқаро нормаларни қўллашда судлар ушбу нормаларнинг вақт ва маконда ишлашига доир халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган қоидаларни, шунингдек, уларни шарҳлашда

ҳисобга олишлари лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллашда ҳуқуқий тўсиқлар мавжуд эмас. Низоли вазиятларда халқаро шартномаларни қўллаш имконияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Хусусан, халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларининг бевосита амал қилишини амалга ошириш ҳали адолатни идора қилишда меъёрга айлангани йўқ. Судлар ўз қарорларини миллий ҳуқуқий ҳужжатларга асослашда халқаро ҳуқуқнинг кам таниқли ва баъзан жуда мураккаб нормаларига қараганда кўпроқ ишончли ҳис этадилар. Кўп ҳолларда қарор миллий қонунчилик нормалари асосида қабул қилиниши мумкин. Суд қароридан нафақат халқаро шартномага, балки халқаро ҳуқуқий торттишувларнинг қатъийлигига ҳам мувожаат қилиш мумкин аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини суд томонидан қўллаш учун уларнинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни тўғри белгилаш асосий масала ҳисобланади. Бу нормаларнинг ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқ нормалари иерархиясини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш бўлмаса, судлар учун муайян нормаларнинг қўлланилишини белгилаш, айниқса, қийин.

Шу билан бирга, таълимотда халқаро ҳуқуқ манбасининг янги тури — халқаро ҳуқуқ стандартининг пайдо бўлиши қайд этилган. Халқаро ҳуқуқий стандартлар қонунчиликни тартибга солишда ўлчов кўламининг бир тури ролини ўйнайди. Улар, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қоидалар билан боғлиқ. Стандартлар халқаро ҳуқуқ нормалари

тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бироқ, улар юридик кучга эга бўлмаган қоидаларни, масалан, давлатлар ёки айрим органлар бир томонлама фойдаланадиган тавсияларни ҳам ташкил этади. Стандартлар ҳар доим ҳам умумий мажбурий нормалар эмас. Улар минтақавий характердаги нормалар бўлиши ва икки томонлама асосда яратилиши мумкин. Стандартларни умумэтироф этилган тамойиллар шаклидаги умумэтироф этилган нормалар деб ҳам атаса бўлади. Бу эса бутун халқаро ҳамжамият манфаатларига таъсир қилади. Шундай қилиб, стандарт ҳар қандай шаклда ўрнатилиши мумкин. Энг муҳими, унинг мазмун, қоида, стандартни шакллантирадиган хусусиятдир. Стандартнинг мазмуни ўзига хос бўлиб, у муайян хатти-ҳаракат модели қоида, стандарт ҳолат, стандарт, маълумотнома нуқтасидир. Стандартдан четга чиқиш фақат стандартдан ортиқ ёки ундан ортиқ конкретлаштириш йўналишида мумкин.

Суд амалиётида халқаро ҳуқуққа шундай ёндашув ҳам амалга оширилади — у турли манбаларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш орқали муайян соҳадаги стандарт нима эканлигини очиб беради. Суд халқаро ҳуқуқ нормаларининг мазмунини кенгайтиради ва конкретлаштиради. Натижада умумий қабул қилинган “минимум”га кўра, давлатда амалдаги муайян тартибга солиш қоидаларини ўлчайдиган тизимли талқин қилиш амалиёти вужудга келади. Бу, ўз навбатида, ушбу амалиётга асосланиб, судлар томонидан “минимал” деб тушунилган нарса ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

**Сардор ТЎЛҚИНОВ,**  
Тошкент туманлараро  
иқтисодий суди судьяси

## Е'ЛОНЛАР

Farg'ona viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 25-apreldagi 103-um-sonli buyrug'iga asosan Qo'qon shahridagi "GRAND ADVOKAT" advokatlik firmasi advokati Obidova Gulnara Karimovnaning (litsenziya 08.01.2019-yil, FE №000253, advokatlik guvoynomasi №421, 28.04.2022 y.) advokatlik maqomi tiklanganligi ma'lum qilinadi.

Navoiy viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 7-maydagi 92-um-sonli buyrug'iga asosan advokat Baxriddinov Rizaxonga boshqarma tomonidan 2018-yil 28-dekabrda berilgan NV 000098-raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini be-

ruvchi litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi tugatildi.

Navoiy viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 7-maydagi 93-um-sonli buyrug'iga asosan advokat Sherov Nozim Mamanovichga boshqarma tomonidan 2018-yil 28-dekabrda berilgan NV 000065-raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziya va advokatlik maqomi joriy yilning 5-maydan ikki oy muddatga to'xtatildi.

Buxoro viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 07-maydagi buyrug'iga asosan advokat Sharipov

Jamol Rajabovichga boshqarma tomonidan 2022-yil 27-yanvarda berilgan advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi BH №000219-sonli litsenziyasining amal qilishi va advokatlik maqomi (advokatlik guvoynomasi №216, 01.03.2022-y.) uning arizasiga muvofiq tugatildi.

Qashqadaryo viloyat adliya boshqarmasi tomonidan joriy yilning 11-may kuni Yakkabog' tumani "QONUN USTUVOR" advokatlik byurosi advokati Jurayev Ergash Nurkobilovichga boshqarma tomonidan 2018-yil 28-dekabrda berilgan KS 000064-reyestr raqamli advokatlik faoliyati bilan

shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasi hamda advokatlik maqomi tugatildi.

Advokatlar palatasi Qashqadaryo viloyat hududiy boshqarmasi huzuridagi malaka komissiyasining 2022-yil 30-apreldagi garoriga asosan viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 11-maydagi buyrug'iga muvofiq advokat Azizova Gulnora Murodovnaga 2022-yil 19-yanvarda berilgan advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi KS 000269-reyestr raqamli litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi 2 oy muddatga, ya'ni 2022-yil 30-aprel kunidan 2022-yil 30-iyun kunigacha qadar to'xtatildi.

## Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Қўқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музраф Мубаракходжаевич  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Юлдашева Шоҳидаҳон Руфатовна  
Баҳронов Шерзод Холмуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

## Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3620  
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:00

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



## Кўчкор НОРҚОБИЛ



ЎЗИНГ-КУ,  
МАЙЛИ,

**ҲЕЧ БЎЛМАСА  
БОЛАННИ  
КУТҚАР!**

ЮЗНИНГ қаттиклиги юракни ўлдирди.

Ҳозирги одамларнинг бети қотиб бормоқда.

Ҳозирги авлоднинг бети қатрон.

Интернет бетни қотириб ташлади; сўкиш, ҳақоратларга ўрганиб қолдик.

Юракдаги эзгу хиссиётларга киргин келди.

Болаларнинг босма нашрларидан

тортиб то катта газетларимизгача интернет оёғи остида топталди, аниқроғи, унинг оёғи остига нур ва маърифат улашувчи, ҳаё-ибо, меҳр-муҳаббат, миллат ва ватанпарварлик улашувчи нашрларни айрим каттаконларнинг ўзлари ташлашди; “мажбурий обуна” йўқ, деб ичидаги манфур мойилликни амалга оширмакчи бўлишди. Маълум маънода бунга эришдилар ҳам...

Ҳамма замонларда мажбурий обуна бўлган, бўлиши ҳам керак, ахир ўқиш мажбурийлик касб этмаса, ҳеч ким ўқимайди!

Газетни ўлдириб китобни ўлдириб дегани.

Газет билан китобни ўлдирганлар ўз боласининг келажagini ўлдирётганини билишадими?!

Қаёқда? Уларнинг ўйида ҳам, уйда ҳам газет ва китобга қарши аллергия бор-ку, ёшлигидан улар китобни севмаган. Китобдан қўрқишади.

Бу кетинда, бориб-бориб, ўз исми-ни ҳам тўғри ёзолмайдиган кўрқалб халққа айланиб қолишимиз мумкин.

Аслида газет билан китобни тиклаш, нашриётларни тириштириш учун кўп нарса кетмайди. Кўп маблағ сарф қилинмайди. Биз сарфлаётган, “туя қилаётган” маблағлар олдида, газет ва китобнинг “кадрини кўтариш” учун кетадиган пул ҳеч нарса эмас...

Интернетда оддийгина “хўп бўлади”ни “хоп болади”, “бўлмайди”ни “бумиди” деб ёзишадими, айниқса ҳозирги авлод...

Кўлтеелефон ё интернет шарман-дасавия авлоднинг базми-жамшид ва телбалик қиладиган жинниҳонасига айланган бизнинг замонда болан-

гизни китоб билан газет қутқариб қолишни тушуниб етмадингизми?! Э-е-е, шунчалар ҳам тубан кетиб қолдикми?

Кўлтеелефонда пайдо бўлган айрим гуруҳ деймизми, жамоажам деймизми, шунга ўхшаган тўдаларнинг ёзишмаларини кўриб, даҳшатга тушасиз.

Улар она-тил, она-сўзимизни оёқ ости қилишмоқда. Телефонхатлар, ёзишмаларда адабий тил метёрларига мутлоқ зид ҳолда, қоришма, гиж-гиж хато сўзлардан иборат гаплар пайдо бўлаётти. Шевани-ку, қўяверайлик.

Ахир, ўзбек тилида бунақа сўз йўқ-ку, деб дод солсанг-да, бефойда, бошингни қайси деворга урсанг уравер, ўзинг биласан.

Туппа-тузук жамоалардаги ходимлар ҳам бир-бирига шармандали равишда хато ёзишади. Агар шуларга иншо у ёқда турсин, диктант ёздирсангиз ҳам, тенг ярмидан кўпи ҳатто икки баҳо ҳам ололмасди.

Билмайман, булар қаёқдан пайдо бўлди? Газет билан китобдан олислашган гуруҳларнинг аҳволи шу.

Она тилида хато ёзган одамнинг маънавий дунёси бўш, илдизи чириган бўлади.

Нима дедингиз, одамнинг илдизи бўлмайди, дейсизми?

Бекорни айтибсиз. Бўлади. Илдизи бўлади...

Аслида-ку, телефонни ҳам, интернетни ҳам айблаб бўлмайди. Улар бизга қаратилган кўзгу бўлди, холос. Биз ўз ички ва ташқи қиёфамизни кўриб қолдик... Кўрдикми, чиндан ҳам кўрдикмикин?

**ПАРКЕНТ тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ходими Н.Авғонова 2021 йил сентябрь ойида тумандаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактаби қошида очилган бир йиллик мажбурий таълим гуруҳига тарбиячи вазифасига 0,5 ставкага ишга қабул қилинган. Лекин унга тўланиши лозим бўлган ойлик иш ҳақи тўланмаган. Н.Авғонова мазкур масалада туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўраган.**

## БҲЙРУҚ БОР, АММО ОЙЛИК ЙЎҚ...

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқаро Н.Авғонова туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида мажбурий таълим гуруҳида тарбиячи бўлиб ишлаб келганлиги, туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти директори билан 2021 йил 6 сентябрда бир йиллик мажбурий таълим гуруҳига тарбиячи вазифасига 0,5 ставкага ишга қабул қилинганлиги юзасидан меҳнат шартномаси тузилганлиги ҳамда 13-ДМТТ директорининг буйруғи расмийлаштирилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, ўрганиш давомида аниқланишича, умумий ўрта таълим мактаби қошида очилган бир йиллик мажбурий таълим гуруҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори билан ташкил этилган.

Бундан ташқари, туман адлия бўлимига туман мактабгача таълим бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга қўра, Н.Авғоновага 2021 йил сентябрь ойи учун 672 минг 424 сўм ойлик маоши тўланмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижасига қўра, адлия бўлими томонидан фуқаро Н.Авғонованиннг манфаатида ойлик маошини ундириб бериш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ туманлараро судига ариза киритилди ва ариза суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Абдулазиз ҲАМИДОВ,

Паркент туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## Косонсойдан мактуб



# “Мактабда ўқиш осон бўлмади,

*ҳаёт мактабда ҳам...”*

БОЛАЛИК чоғимда бахтсиз ҳодиса туфайли бир оёғимдан ажралганман, ота-онам ҳам эрта оламдан ўтишди. Аммо мен бу синов ва мусибатларни енгиб ўтиш учун ўзимда куч топа олдим.

Ҳозир Наманган давлат университетининг биринчи босқич магистрантиман, иқтисодиёт йўналишида таҳсил оламан. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси бўлиб ишлаш баробарида халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутатиман. Бир сўз билан айтганда, Наманганнинг истиқболли ёш етакчилари сафидаман.

Ўшанда — 7 ёшга кирганимда тенгдошларим мактабга чиқиб кетишди. Мени эса якка тартибда, уйда ўқита бошлашди. Аммо барибир уйда зерикар, ўзимни ёлғиз сезардим. Шунинг учун мактабга қатнашга аҳд қилдим ва бу қароримни ота-онам, устозим қўллаб-қувватлади. Тўғри, мактабда осон бўлгани йўқ, ҳаёт мактабда ҳам... Менга ачиниб ҳисси билан қарашлар, билиб-билмай айтиб юбориладиган турли гаплар, қўлтиктаёққа кўнкорлимай йиқилишлар. Уйга йиғлаб келган кунларим бўлган. Шунда отам мени юпатиб, “чемпионлар ёғлиб бўлмагунча ўйинни давом эттиради, сен улардан ўрнак ол” деб тасалли берарди.

Мактабда 7-синфгача ўқиб, таҳсилни туманимиздаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-ин-

тернатида, сўнгра Наманган муҳандислик-технология институти қошидаги академик лицейда давом эттирдим. Кейин ўзим орзу қилган олий ўқув юрти — Ўзбекистон миллий университетининг “Иқтисодиёт” факультети талабаси бўлдим. Отам Абдуқаюм Абдуллаев 35 йил шу соҳада ишлагани учун ҳам у кишининг изидан кетмоқчи эдим.

Олийгоҳда ўқиш баробарида спорт билан жиддий шуғуллана бошладим. Ҳатто сузиш бўйича мамлакат чемпиони ҳам бўлдим. Ҳаммаси яхши, кўнгалдагидек кетаётганди. Бироқ биринчи босқичда ўқиб юрганимда отам оғир касалликка чалинди. Кўнгалимга ўқиш ҳам, спорт ҳам сиғмай қолди. Дадам билан жуда яқин эдик, уни ўзимнинг устозим, сирдошим сифатида кўрардим. Шунинг учун ўқишни ташлаб, уйга қайтдим. Лекин дадамга бу ёқмади, мени роса койиди. “Ўқишни ташла-маслигинг керак, илмнинг орқасидан ҳаётда ўрингни топасан” дедилар ўшанда. Мен эса, ўшанда розилик билдирсам-да, Тошкентга қайтмадим, отамга қарадим. Ҳозир шу қарорим тўғри бўлган, деб ўйлайман. Чунки у кишининг ёнида бўлдим, дуоларини олдим.

Дадам 2017 йилда, 60 ёшида вафот этдилар.

Қайғули кунларимда отамнинг насиҳатлари менга далда бўлди. Ахир, мен ваъда берганим! Наманган давлат университетига ўқишга кирдим. Яна иқтисодиёт йўналишига. Қолаверса, контракт асосида. Моддий қийинчиликлар сабаб таълим кредити оладиган бўлдим. Елиб-югурдик, керакли хужжатларни тўладик. Контракт тўлаш учун берилган муҳлатнинг охириг кунни банкка чақиринди. Ойим билан банкда навбат кутиб турсак, менга кўнғироқ бўлиб қолди. “Ёшлар иттифоқи шартнома пулини тўлаб, Сизга ёрдам беришга қарор қилди, пул университет ҳисоб рақамига тушган бўлса керак” дейишди. Ойим иккаламиз йиғлаб юбордик. Университетга борсам, чиндан ҳам керакли маблағ ўтказиб берилган экан. Негаки, ўқиш мобайнида турли тадбирларда фаол қатнашиб, ўша пайтлар янги ташкил этилган Ёшлар иттифоқининг волонтерларидан бирига айланганим.

Билдирилган ишонч менга қанот берди — кетма-кет икки йил НамДУда “Йил талабаси” бўлдим. Яна спорт билан шуғуллана бошладим. Фақат бу гал энгил атлетика,

аниқроғи, ядро улоқтириш билан. Мусобақаларда иштирок этдим, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Агар турмуш ташвишлари ва ўқиш, жамоатчилик ишлари сабаб спортни ташлаб қўймаганимда, балки Токиодаги паралимпия ўйинлари ёлиби бўлардим...

2020 йилда онам ҳам омонатини топширдилар. Мен шу тарихи 24 ёшимда ҳам дадам, ҳам онамдан ажралиб қолдим. Шукр, ҳозир оилада акам, икки опам бор, бир-биримизни суяб, яшаб келяпмиз.

Ўтган 2021 йил мен учун омадли келди. Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ҳудудий филиаллар қошида ташкил этилган “Келажак лидерлари” клуби аъзолари қабул қилиндим. Фаол аъзолар Давлат бошқарув академиясининг “Келажак лидерлари” ўқув курсига юборилиши, раҳбарлик лавозимларига захирага олиниши, давлат тадбирларида иштирок этиши, малака ошириш учун хорижга юборилиши кўзда тутилган. Жамоамизда ажойиб муҳит яратилган, клуб аъзоларининг аксариятини танийман, танимаганларим билан дўстлашишга ҳам улгурдим. Улар орасида бўлажак ҳоким ва прокурорлар, ташкилот ва компаниялар раҳбарлари бўлса ажаб эмас.

Автохалокат сабабли тўшақда ётган пайтларимда китобга ошно тутиндим. Ҳаётимда китоблар билан боғлиқ яхши хотиралар талайгина. Уйимизда дадамнинг ижодхоналари бўларди. Шифтга қадар ўрнатилган китоб жавонлари лик тўла китоблар эди. Улар жавонларга алоҳида меҳр, юксак дид билан жойлаштирилганди. Бир тарафда луғат, энциклопедиялар туркуми бўлса, бир тарафда ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари... Машраб, Бобур, Пушкин... рўйхатни узок давом эттириш мумкин...

Дадам иқтисодчи бўлганлиги учун ноёб, соҳага оид асарларни

алоҳида тортмада сақларди. Мен ўша китобларга кўпроқ кизикардим. Уларни тушунмасам-да, ўқийверардим. Жилдлари сарғайиб кетган бўлса ҳам, ўзига хос иси бор китобларнинг “шитир”лашидан завқланардим. Йиллар ўтиб, уйлар ҳам, китоб жавонлари ҳам янгиланди. Аммо ўша болалигимдаги эртақнамо ижодхонани кўмсайвераман. Болаликнинг, илмнинг ҳиди бор эди унда...

Ҳозир ўзимнинг кутубхонам, шахсий кутубхонамнинг муҳри ҳам бор. Олдига катта мақсад қўйган инсон борки, шахсий кутубхонасига эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Шахсий кутубхонамдан отамдан қолган эски, аммо кадр хамшира баланд, болалик хотираларим бор азиз китоблардан тортиб ўзбек, рус, инглиз тилидаги бадий, илмий адабиётларгача ўрин олган. Кутубхонамни янада бойитиш ҳаракатидаман.

Йиллар мени улғайтирибди. Шу кунларда сиёсий мавзудаги китобларга, илмий асарларга қизиқим баланд. Яқинда уйландим. Турмуш ўртоғим Нигорабону Наманган юридик коллежини тамомлаган, ёш ҳуқуқшунос. Келажакдан умидимиз катта. Бахтли оилалар сафида бўлиш, соғлом ва солиҳ фарзандларни тарбиялашни ният қилганмиз.

Ҳар бир инсоннинг ўйлаган режалари, олдига қўйган мақсадлари бўлади. Яхши ниятларим, орзуларимга бирин-кетин эришяпман. Фақат юрагимни бир армон тирнайди — шу бахтли кунларимни ота-онам кўрмади. Тўйимда оқ фотиха бериб, дуоғўй бўлиб ёнимда туришмади. Таскин берадигани шуки, уларнинг мен билан боғлиқ орзу-ниятлари аста-секин амалга ошмоқда. Улар гоёйбона бўлса-да, ҳар нафасда менинг орзуларим билан, мен билан яшашмоқда.

Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,  
Республика “Келажак лидерлари” клуби аъзоси